



ЭРНАЗАРОВ Одилжон

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диниунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси мудири, доцент,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: odil.ernazarov.88@mail.ru*

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИНГ ЎРНИ: ЯПОНИЯ МИСОЛИДА

THE ROLE OF ISLAMIC ENLIGHTENMENT IN FORMING INTERCULTURAL DIALOGUE: IN CASE OF JAPAN

РОЛЬ ИСЛАМСКОГО ПРОСВЕЩЕНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ДИАЛОГА: НА ПРИМЕРЕ ЯПОНИИ

Аннотация: Мақолада япон халқининг жамиятдаги ўзга маданий бирликлар, жумладан, мусулмон жамоаларга муносабати, ислом динига нисбатан салбий ва ижобий қарашлар сабаблари, мусулмонлар ва япон халқи ўртасида дўстона алоқаларни шакллантириш учун маданий, ўқув-педагогик ва сиёсий даражада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўз боради.

XX аср ва XXI аср бошларида япон-мусулмон алоқалари тарихи кўплаб эътиборга молик воқеалар билан бойиди. Биринчидан, Япония ҳукуматининг мусулмон мамлакатлари билан алоқалари кўлами кенгайганлиги асосий ўрин тутди. Иккинчидан, Иккинчи жаҳон урушига қадар Япония Хитой ва собиқ Совет Иттиқофидаги мусулмон аҳолининг ҳукуматга қарши исёнларини молиявий қўллаб-қувватлаши кун чиқар юртга бир гуруҳ (асосан татарлар) мусулмонларнинг кириб келишига асос бўлди.

Япон халқини ён-атрофдаги мусулмон мамлакатлар аҳолиси билан муайян йўналишларда мулоқотга кириши улар орасида ислом динини қабул қилганлар сонини орттиришга олиб келди. Мисол учун, бу даврда ҳаж зиёратини бажарган ilk япон мусулмони Котаро Ямаока саналади. У татар-рус ёзувчиси Абдуррашид Иброҳим билан учрашгач, 1909 йил Бомбай шаҳрида ислом динини қабул қилади ва исмини Умар Ямаока деб ўзгартиради.

Хорижлик мусулмонлар тарихан япон мусулмонлари билан жуда илиқ муносабатларни йўлга қўйганлар. Япониялик аёллар ҳам исломни қабул қилиб, мусулмон эркаларга турмушга чиқишмоқда. Сўнги пайтларда хорижлик мусулмон эркаларнинг ижобий характерлари, яъни оила ва гендер борасидаги қарашлари кўплаб япон аёлларининг эътиборини тортмоқда.

Японияликлар орасида мусулмонлар билан дўстона алоқалар йўлга қўйган ва ислом маданиятига ҳурмат кўрсатадиган инсонлар мавжуд бўлишига қарамай, аҳолида ислом ҳақида билимларни етишмаслиги у ҳақида тўғри ва холис шаклдаги тушунча ҳосил бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай ачинарли вазият чуқур ва давомли мулоқотни талаб қилмоқда. Ўз навбатида, мулоқот ўзаро ишонч ва икки томон ўртасидаги чегараларни олиб ташлашни тақозо этади. Динлараро мулоқот эса иштирокчиларни янги ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш ва яхлит жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қўшимча мажбуриятларни ўз зиммасига олишига ундайди. Шу жиҳатдан, японлар ислом дунёси билан мулоқот қилишига тайёр бўлганлигини кўриш мумкин.

Калит сўзлар: Мусулмон талабалар ассоциацияси, Япония ислом маркази, Дунё мусулмонлари лигаси, Такааки Мацумото, “глобал жамоа”, “Маданиятлараро мулоқот бўйича БМТ йили”.

Аннотация: В статье рассматривается отношение японского народа к другим культурам, в том числе к мусульманским общинам, анализируются социальные, исторические и культурные факторы, влияющие на формирование как позитивного, так и негативного отношения к исламу. Также в статье описываются различные культурные, образовательные и политические инициативы, направленные на укрепление дружбы между мусульманами и японским народом.

История взаимоотношений между Японией и мусульманским миром насчитывает несколько веков. В XX и начале XXI века эти отношения значительно расширились и обогатились новыми событиями. Ключевую роль в развитии японо-мусульманских отношений сыграло расширение связей японского правительства с мусульманскими странами.

Знакомство японцев с культурой и религией соседних мусульманских стран привело к тому, что некоторые из японцев приняли ислам. Одним из первых японских мусульман, совершивших паломничество хадж, был Котаро Ямаока. После знакомства с татарским писателем Абдур Рашидом Ибрагимом он принял ислам в Бомбее в 1909 году и сменил имя на Умар Ямаока. У иностранных мусульман исторически сложились очень теплые отношения с японскими мусульманами. Японские женщины также принимают ислам и выходят замуж за мусульман. В последнее время положительные характеристики иностранных мужчин-мусульман, а именно их взгляды на семью и гендерные роли, привлекают внимание многих японских женщин.

Несмотря на то, что в Японии есть люди, у которых сложились дружеские отношения с мусульманами, и которые с уважением относятся к исламской культуре, недостаток знаний об исламе среди населения препятствует формированию правильного и непредвзятого представления о данной религии. Столь печальная ситуация требует глубокого и постоянного диалога. В свою очередь, общение требует взаимного доверия и устранения границ между двумя сообществами. А межконфессиональный диалог побуждает участников устанавливать новые связи сотрудничества и брать на себя дополнительные обязанности в качестве равноправных членов сплоченного сообщества. В этом отношении можно видеть, что японцы готовы к общению с исламским миром.

Ключевые слова: Ассоциация студентов-мусульман, Исламский центр Японии, Всемирная мусульманская лига, Такааки Мацумото, мировое сообщество, «Год межкультурной коммуникации ООН».

Abstract: The article decides about the attitude of the Japanese people to other cultural units in the society, including Muslim communities, the reasons for negative and positive attitudes towards the Islamic religion, the cultural, educational-pedagogical and political activities for the formation of friendly relations between Muslims and the Japanese people.

The history of Japanese-Muslim relations in the 20th century and the beginning of the 21st century was enriched with many remarkable events. Firstly, the expansion of the Japanese government's relations with Muslim countries took a key place. Second, prior to World War II, Japan's financial support for the uprisings of the Muslim population in China and the former Soviet Union against the government led to the influx of a group of Muslims (mainly Tatars) into the country.

The introduction of the Japanese people to the population of the surrounding Muslim countries in certain directions led to an increase in the number of people who accepted Islam among them. For example, Kotaro Yamaoka was the first Japanese Muslim to perform Hajj pilgrimage during this period. After meeting Tatar writer Abdur Rashid Ibrahim, he converted to Islam in Bombay in 1909 and changed his name to Umar Yamaoka.

Foreign Muslims have historically had very warm relations with Japanese Muslims. Japanese women are also converting to Islam and marrying Muslim men. Recently, the positive characteristics of foreign Muslim men, namely their views on family and gender, have attracted the attention of many Japanese women.

Despite the fact that there are people in Japan who have established friendly relations with Muslims and respect Islamic culture, the lack of knowledge about Islam among the population prevents the formation of a correct and unbiased understanding of it. Such a sad situation calls for a deep and continuous dialogue. In turn, communication requires mutual trust and the removal of boundaries between the two communities. And interfaith dialogue encourages participants to establish new cooperative bonds and take on additional responsibilities as equal members of a cohesive community. In this respect, it can be seen that the Japanese are ready to communicate with the Islamic world.

Keywords: Muslim Student Association, Islamic Center of Japan, World Muslim League, Takaaki Matsumoto, "global community", "UN Year of Intercultural Communication".

КИРИШ

Япония ислом ва ундан олдинги (Буюк Ипак йўлига боғлиқ) цивилизациялар билан узок тарихий муносабатларга эга. Япониянинг Ўрта Шарқ билан алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи илк манба VII асрга оид бўлиб, унда форс заминидан бир вакил кун чиқар юртга ташириб буюрганлиги қайд этилган. Япониядаги энг кўҳна ва қимматбаҳо объектлардан бири, Нарадаги “Сёсоин хазинаси”да форс санъатиға оид шиша ва сопол идишлардан кўп миқдори сақланади. Охириги вақтда японияликлар орасида ушбу ёдгорликлар билан танишув ҳамда исломдан аввалги ва кейинги Яқин Шарқ цивилизацияларига нисбатан қизиқиш ошмоқда.

Япониядаги исломнинг замонавий тарихи Россия инқилоби ортидан кун чиқар юртга кўчиб келган турк-татарлар томонидан мамлакатда

дастлабки уч – Нагоя (1931), Кобэ (1935) ва Токио (1939) масжидлари барпо этилганлигига бориб тақалади. Японияга қочиб келганларнинг аксарияти “большевиклар инқилоби” да империя армияси таркибида хизмат қилган анти-коммунистлардан иборат бўлган. Мазкур масжидлар бунёд этилган шаҳарларда ўзига хос мусулмон жамоалари ташкил топган бўлиб, улар маҳаллий япон аҳолиси, иш берувчилар, сиёсатчилар ва зиёлилар билан илиқ ва дўстона муносабатни йўлга қўйгандилар.

XX аср давомида Япония Осиё бозори ва ресурсларига қизиқиш билдириб келган давлатлардан бири бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва унинг давомида, Япониянинг баъзи нуфузли шахслари, хусусан, Бош вазир Сэндзюро Хаяси ва олим Шумэи Окава разведка мақсадида ислом ва мусулмон давлатлар билан танишиш масаласини кўриб чиқдилар. Чунки, улар мусулмон жамоалар маълумот тўплаш ва Осиёда анти-коммунистик тармоқни ташкил қилиб ривожлантиришда айна кўл келади, деб ҳисобладилар [6 : 34-35]. Японияликлар орасидан мусулмон бўлган инсонлар кенг фикр ва миллий мафқурани ўзлаштирган атоқли шахслардан иборат бўлиб, улар Японияга Шарқий Осиёнинг етакчи давлатига айланиши учун ислом орқали ёрдам беришлари режалаштирилган эди.

Япониянинг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг, кўплаб маҳаллий сиёсатчи ва олимлар уруш жиноятларида айбланди ҳамда мусулмон дунёси ва Япония ўртасидаги алоқаларга путур етди. Шунга қарамай, Япониянинг урушдан кейинги иқтисодий тараққиёти кўплаб мусулмон талабаларни кун чиқар юрт олийгоҳларига киришга ундади. Шундай талабалардан бири Токио университетига кириб кейинроқ қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича фан доктори илмий даражасини қўлга киритган Др. Сали М. Самалаи (Dr. Sali M. Samalai) бўлиб, у 1961 йил Мусулмон талабалар ассоциацияси (Muslim Student Association)ни ташкил қилди. Бу ташкилотдан кейин Халқаро ислом маркази (1966) ва Япония ислом маркази (1974) ўз фаолиятини бошлади [1: 14-15]. Ислom маркази “нефт инқироzi” энг юқори нуқтага етган, натижада, японияликлар “нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг дини” сифатида

исломни жиддий ўрганишга киришган вақтда ташкил этилди.

Ислom марказининг вазифаси япониялик мусулмонларга ислом дунёсида кечаётган ҳодисалардан хабар бериш, исломий адабиётларни япон тилига таржима қилиш ва мусулмон қабристонини ташкил қилиш учун кўмаклашишдан иборат эди. Марказнинг талабалардан иборат аъзолари япон, араб ва ўзларининг она тиллари бўйича юқори маҳоратга эга бўлганлар. Зиёли сифатида улар япон жамияти ва ислом дунёси ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш ва ислом ҳақида японияликлар орасида тўғри ва соғлом тушунчани шакллантириш учун ҳаракат қилдилар [2: 69-80]. Шунинг учун мазкур марказ Япониядаги мусулмонларга ўзарo кўмак берганлиги ҳамда японияликларга ислом ҳақида маълумот ва адабиётлар тақдим қилганлиги билан ўзига хос ўринга эга бўлди. Шу жиҳатдан, ушбу марказ том маънода Япониядаги мусулмонларнинг меҳрини қозонди. 1977 йилда Марказ Япониядаги Чуо университети (Chuo University) ва бош қароргоҳи Маккада жойлашган Дунё мусулмонлари лигаси (Muslim World League) билан ҳамкорликда ислом ҳукуки бўйича конференция ташкил қилди.

Ҳозирги кунга қадар Ислom маркази Япониядаги мусулмонлар учун “марказ” бўлиб қолмоқда. Масалан, у Япониядаги мусулмонларга Рамазон ойининг илк куни, яъни, Рамазон рўзасининг бошланиш вақтини аниқлаб беришга масъул ҳисобланади. Бироқ, “2001 йил 11 сентябр воқеаси”дан сўнг Марказ террорчи ташкилотларга аъзолик ёки уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ шубҳалар туғилмаслиги учун мусулмон мамлакатларидаги бой инсонлардан хайр-эҳсон маблағларини қабул қилиш ёки жўнатишда қийинчиликларга тўқнаш келди [6 : 97]. Шунинг учун ҳозирда Марказ молиявий қийинчиликларга қарамай, асосан кўнгилли хайрия хизматлари орқали фаолият кўрсатмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Япония ислом марказининг ҳозирги ҳолати шундай далолат қиладики, кун чиқар юртдаги мусулмонлар ислом ҳақида маърифатга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Япониядаги мусулмонлар ҳам мусулмон, ҳам

Япония аҳолиси сифатида ўз шахсий ҳаётларига эга бўлиб бормоқдалар. Илк даврдан фаркли равишда, мусулмонлар муайян бир шаҳардан кўра бутун Япония бўйлаб истиқомат қилиб келмоқдалар. Бу ҳолат эса улар ислом дини қоидаларига асосланган озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари учун белгиланган мусулмон тармоғини шакллантиришга асос бўлди.

Японияга турли ижтимоий табақага мансуб мусулмонлар кириб келмоқдалар. Ислом маркази ташкил қилинган илк даврда эса фақат юқори интеллектуал салоҳиятли ва икки маданият ўртасида “кўприк” бўлишга лаёқатли мусулмонлар Японияга келиб доимий яшаб қолишган. 1980 йилларга келиб, Япония жамияти тарихий иқтисодий фаровонликка эришди. Натижада, кўп миқдордаги мусулмонлар тижорат фаолияти учун имкониялар ахтариб Японияга келиб ўрнашганлар [8 : 456]. Ислом динида кўшнисига ҳурмат ва ёрдам кўрсатишга катта урғу берилиши бир мавзеда мусулмонлар билан бирга яшаётган японияликларда ислом динига қизиқиш ортиб, дин ҳақида баъзи маълумотларни ўрганиб боришларига йўл очмоқда.

Аксарият японияликлар мусулмонлар билан турли манзиллар – жамоат транспортлари, тижорат дўконлари ва иш жойларида кўп маротаба учрашларига тўғри келади. Шундай бўлса-да, Япония жамоатчилиги ислом тўғрисида жуда оз билимга эга. Бошқа томондан, мусулмонларда ҳам Япония жамиятининг урф-одатлари ҳақида етарли маълумот мавжуд эмас. Шунинг учун икки томон ўзаро тушунчаларни ривожлантиришга зарурат сезмоқда. Шу боис, исломшунос мутахассислар ислом динининг тарихи, таълимоти ва тинчликсеварлик моҳияти ҳақида япон халқига кўпроқ маълумот беришга катта эътибор қаратмоқдалар.

2003 йилда япониялик ўрта мактаб ўқитувчиси Такааки Мацумото ўқувчиларнинг ислом ҳақидаги тасаввур ва билимларини аниқлаш мақсадида сўров ўтказди. Йигирма учта мактабга юборилган (1670 та ўқувчи иштирок этган) сўровнома натижасида ислом ҳақида билим ва салбий тасаввур ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Чекланган билимга эга ўқувчи ислом ҳақидаги салбий тасаввурини ўзгартирмай, бепарво ва қизиқишсиз қолиб кетаётган эди. Аксинча, муайян билимга эга ўқувчида эса биринчи

навбатда, ОАВда баъзи мусулмонларнинг радикал ва мутаассибона ҳаракатларини узлуксиз бериб борилиши ортидан ислом ҳақида салбий тасаввур шаклланаётганлиги аниқланди [6 : 98-100].

Жаҳон тарихи ўқитувчиси Мацумото “мусулмонларни радикал ва мутаассиб” деб ҳисоблайдиган “билимдон ўқувчи” хусусиятига янада ойдинлик киритишга ҳаракат қилди. Бунинг учун у уч оддий савол – ислом юзага келган жой, унинг асосчи ва муқаддас манбаси ҳақида саволларга берадиган жавобларига кўра талабаларни саралашга уринди. 648 ўқувчи мазкур саволларнинг барчасига тўғри жавоб бердилар. Бундан Мацумото ушбу 648 ўқувчи ислом ҳақида қизиқиш ва билимга эга деган хулосага келди. Ўз навбатида, бу “билимли” ўқувчилар ислом динига оид Рамазон ойи рўзаси, маст қилувчи ичимликларнинг таъқиқланлиги ва мусулмон кишига никоҳи ҳалол аёллар тўғрисида ҳам маълумотга эгалиklarини билдирганлар. Аммо, бу “билимли” ўқувчилар “Мусулмонларнинг аксариятини араблар ташкил қиладими?”, “Мусулмонлар яҳудий ва христианлар каби ягона Худога эътиқод қиладиларми?”, “Мусулмон киши бутун танасини қора рангдаги матога ўраб юриши мажбурийми?” каби саволларга нотўғри жавоб берганлар. Бу ҳолатдан Мацумото мазкур “билимли” ўқувчилар орасида ўзига хос инфорацион бўшлиқ мавжуд, деган хулоса келди [6 : 99].

Мацумото ўқувчиларнинг умумий тасаввурларидаги тўрт муаммоли қарашга эътибор қаратди, яъни ўқувчилар қуйидагича фикрлашга мойиллик билдирганлар:

1) Ислом ўта қаттиққўл диндир. Чунки унда буйруқ ва таъқиқ кўп, эркинлик эса бошқа динларга нисбатан жуда оз миқдорни ташкил қилади.

2) Ислом тушуниш қийин бўлган диндир.

3) Мусулмонлар бағрикенг бўлмаган, мутассиб кишилардир.

4) Мусулмонлар жинсий камситишга йўл берадиган, саҳролик серсоқол кишилардир.

Мацумото бундай салбий тушунчаларнинг сабаби ОАВда террор ҳаракатларининг иштирокчиси ва худхушчи (камикадзе) сифатида мусулмонлар ҳақида салбий хабарлар узлуксиз бериб борилиши эканлигини таъкидлайди. У ислом ҳақидаги таассуротни тўғрилаш учун

алоҳида вақт ажратди. Лекин, жаҳон тарихи фани бўйича ўқув дастурида ислом маданиятини ўрганишга жуда оз соат ажратилганлиги сабабли бу ишни уddасидан чиқиш оғир, деган қарорга келди [6 : 100]. Шунингдек, коллежга кириш имтиҳонларига тайёрланишда ўқувчилар асосан умумий жаҳон тарихини билишга эътибор қаратадилар. Одобнома дарсларида эса ўқитувчилар турли дунё динларининг асосчилари – Будда, Конфуций ва Исо Масих қаторида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг “ўзаро дўстлик ва биродарлик” борасидаги қарашларига жуда кам ҳолатда мурожаат қиладилар.

Мацумото япон мактаб ўқувчилари орасида ислом ҳақидаги билимлар соғлом йўсинда бўлиши учун баъзи фикрларни илгари сурган. Унинг фикрига кўра, ўқувчиларнинг муаммоларидан ташқари ислом борасидаги маълумотлар уларнинг эҳтиёжларига мос бўлиши керак. Шунингдек, Японияда ислом ҳақида маърифат тарқатишга қаратилган зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлар мусулмон халқлар турфа характер касб этганлигини ҳисобга олган ранг-баранг шаклда олиб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу таълим усуллари воситасида ўқувчилар ваҳшийлик ёки мутаассиблик ислом жамияти аъзосига хос характер эмаслигини билиб олишлари лозим.

Японияликлар орасида мусулмонлар билан дўстона алоқалар йўлга қўйган ва ислом маданиятига ҳурмат кўрсатадиган инсонлар мавжуд бўлишига қарамай, аҳолида ислом ҳақида билимларни етишмаслиги у ҳақида тўғри ва холис шаклдаги тушунча ҳосил бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай ачинарли вазият чуқур ва давомли мулоқотни талаб қилмоқда. Ўз навбатида, мулоқот ўзаро ишонч ва икки томон ўртасидаги чегараларни олиб ташлашни тақозо этади [3 : 100]. Динлараро мулоқот эса иштирокчиларни янги ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш ва яхлит жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қўшимча мажбуриятларни ўз зиммасига олишга ундайди.

Шу жиҳатдан, японлар ислом дунёси билан мулоқот қилишга тайёр бўлганлигини кўриш мумкин. Масалан, Япониянинг собиқ бош вазири Йохеи Коно (Yohei Kono) 1994 йил сентябрь ойида Қоҳира шаҳрида ўтказилган “Аҳоли ва тараққиёт” мавзусидаги халқаро конференциядаги чиқишида ислом дунёси

билан “маданиятлараро мулоқот” кун чиқар юрт ҳукуматининг стратегик мақсадларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди [6 : 101].

Эътиборга сазовор воқеалардан яна бири, 2008 йил ар-Риёд шаҳрида Япония ва мусулмон олами ўртасидаги маданий мулоқотда қатнашаётган делегация аъзолари билан учрашув вақтида Саудия Арабистони кироли Абдуллоҳ ибн Абдулазиз илк маротаба илоҳий динлар орасида мулоқот ташкил қилишга чакирди. Мазкур учрашувда сўзлаган нутқида кирол қуйидагича фикр билдирди: “Мен инсониятни жохиллик ва ўзаро тушунмовчилик ҳалос этиш учун динлар ўртасида анжуман ўтказишга чақираман”. Шунингдек, у 2007 йил ноябр ойида Римда папа Бенедикт XVI билан учрашувда билдирган фикрини эслаб ўтди: “Мен Ватиканга ташриф буюришни кўпдан бери режалаштириб юргандим. Ниҳоят, бу амалга ошди. Ташриф давомида кўрсатилган самимийлик учун Ватикан раҳбаридан миннатдорман. Мен ушбу учрашувда ҳам юқоридаги ғояни папага таклиф қилдим” [6 : 103].

Ислом-Япония мулоқот форуми раҳбари профессор Юзо Итагаки (Yuzo Itagaki) 2009 йил 30 сентябрь ойида Женевада ўтказилган “TV динлараро мулоқот” иштирок этди. Бу анжуман Дунё мусулмонлари лигаси ташаббуси билан ташкил қилинди. Анжуман шўъбаларидан бирини профессор Итагаки бошқарди. Шунингдек, мазкур анжуманда Япониядаги Синтоизм ибодатхоналари ассоциацияси (Association of Shinto Shrines) президенти Куниаки Куни (Kuniaki Kuni) иштирок этди.

2006 йил 13-14 январь кунлари Тунисда бўлиб ўтган Япония ва ислом дунёси ўртасидаги маданий мулоқотга бағишланган тўртинчи семинар чоғида сўзлаган нутқида профессор Итагаки мазкур музокаралар икки маданият аъзолари орасидаги тўсиқларни бартараф этишда катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, у икки кун ичида дунёни ўзгартириб юборишнинг илоҳи йўқлиги, лекин, ушбу семинар келгуси учрашувлар учун ижобий қадам бўлишига ишонч билдирди. Қолаверса, у ўз нуктида ҳозирги кунда Японияда мусулмон мамлакатлардан келган минглаб ёшлар ва малакали мутахассислар мавжудлиги ҳамда улар орқали японияликлар ислом дунёси ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга тайёр эканликларига эътибор қаратди.

Бундан ташқари, у Японияда фаолият олиб бораётган мусулмонлар орасида олим ёки мутахассисларни топиш амри маҳоллиги вазиятни беқарорлаштираётган омиллардан бири эканлигини ургулаб ўтди. Унинг қўшимча қилишича, мавжуд тўсиқларни бартараф этилишига туртки бўлаётган бундай анжуманларни давомли ташкил этиш лозим, зотан, узлуксиз мулоқот икки томон муваффақиятининг калити ҳисобланади [5 : 48-50].

“Ислом дунёси ва Япония: маданиятлараро мулоқот” мавзусидаги семинар Япония ва Баҳрайн қироллиги ташқи ишлари вазирликлари ташаббуси ва ҳомийлигида 2002 йил 12-13 март кунлари Баҳрайнда бўлиб ўтди. Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди:

1) 2001 йил “Маданиятлараро мулоқот бўйича БМТ йили” доирасида турли маданиятлар ўртасида дўстона алоқаларни таъминлаш мақсадида қабул қилинган чоратadbирларнинг бир қисми сифатида мусулмон дунёси билан мулоқотга киришишга алоҳида аҳамият қаратиш;

2) мусулмонларнинг Япония ҳақида, японияликларнинг эса ислом дини тўғрисидаги тушунчаларини ривожлантириш ҳамда мусулмон мамлакатларида симпозиумлар ўтказиш орқали икки томоннинг олим ва зиёлилари ўртасида тажриба алмашиш жараёнини жадаллаштириш воситасида маданиятлараро мулоқот учун мустаҳкам асос яратиш.

ХУЛОСА

Япония ташқи сиёсатида мусулмон давлатлари билан ўзаро иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар муҳим аҳамият касб этган. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳукумат вакиллари қўллаб-қувватлови билан тузилган “Буюк Япон мусулмон лигаси” Японияда “исломшунослик тадқиқотлари тўлқини”ни юзага келишига туртки бўлган. Ушбу вақт давомида Японияда юздан ортиқ ислом динига оид китоб ва журналлар нашр қилинди. Бу ташкилотнинг асосий мақсади япон қуролли кучлари ва зиёлиларга ислом дунёси ҳақида тушунтириш беришдан иборат эди.

Японияликларнинг ислом дини хусусида билимлари ошиши ва уни қабул қилишларида синтоийлик тушунчалари ҳам бевосита таъсир

қилган. Ўз вақтида, хитойлик мусулмонлар ҳаётида кечган “конфуцийлик тушунчалари орқали исломни англаш” – “кай-жу” ёки “хуэй-ру” жараёни таъсирида япониялик зиёлилар учун исломни Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари билан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини қиёслаш орқали ўрганиш табиий ҳолатга айланган.

Япон зиёли мусулмонларининг ҳаёти ислом ва синтоийлик таълимотларидаги муштарак жиҳатларни уйғунлаштириш ҳисобига японияликлар ислом динини соғлом маънода тушунганликлари хусусида ноёб деталларни тақдим этади. Бу каби ҳодисалар Япония расмий доира ва зиёлиларини динлараро мулоқот масаласига эътибор беришга ундамоқда. Бундан кўриш мумкинки, динлар ва маданиятлараро, хусусан, ислом дунёси билан мулоқот бугунги кун зарурати эканлиги борасида муайян гуруҳ японияликлар орасида хулоса пайдо бўлмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Eskil O. Vestre. [Japan as an Emerging Multicultural Society Exploring Contemporary Minority Issues Through the Case of Muslim Immigrants](#) // Master's Thesis (60 credits), East Asian Studies; Department of Culture Studies and Oriental Languages; Faculty of Humanities. The University Of Oslo, (May 18th, 2011).
2. Farah E., Caesar. [Islam: Beliefs and Observations](#). Barron's Educational Series; 7th Revised edition, 25 April 2003. [ISBN 978-0-7641-2226-2](#). – P. 58.
3. Hans Martin Krämer. [Pan-Asianism's Religious Undercurrents: The Reception of Islam and Translation of the Qur'ān in Twentieth Century Japan](#) // The Journal of Asian Studies Vol. 73, No. 3 (August) 2014.
4. Kawakami Yasunori. [Local Mosques and the Lives of Muslims in Japan](#). Posted at Japan Focus on May 30, 2007. The Asia-Pacific Journal: Japan Focus.
5. James P. Piscatori. [International Relations of the Asian Muslim States](#). University Press of America, 1986.
6. Kenta Kasai. Knowledge on Islam and Enhancing Interfaith Dialogue in Japan // Interfaith dialogue: Cross Cultural Views / A Group of Scholars. - Riyadh, 2010.
7. Mark Juergensmeyer; Wade Clark Roof. [Encyclopedia of Global Religion](#). – USA: SAGE Publications, 2012.
8. Tokyo Muslim School Album (1927-1937). Asian Cultures Research Institute, Toyo University, Tokyo, 2011.